



**АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИННИГ
УМУМБАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ТАРАҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**
мавзусидаги III анъанавий халқаро илмий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ

MATERIALS
of the II-tradational international scientific conference on the theme
**THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE
OF ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL
DEVELOPMENT OF THE HUMANKIND**

МАТЕРИАЛЫ
тему на конференции практической-научно международной традиционной II
**МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ
В РАЗВИТИИ ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ
ЧЕЛОВЕЧЕСТВО**

Навой – 2019
4–6 феврал, Ўзбекистон

**ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

ALISHER NAVOI

Назира Бекова. “Девони Фониӣ”нинг тадқиқот тамойиллари	157
Марғуба Абдуллаева. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида шеърнинг ўрни	169
Ғазилат Ибрагимова. Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари	174
Обидахон Ғайзуллоева. Алишер Навоий ғазалларида талмех	178
Зухра Мамадалиева. “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги хожа образи генезиси	182
Саломат Матқаримова. Мунис ва Комил Хоразмий мухаммасларида Навоийга ҳамоҳанглик	189
Дилшод Ғайинов. Алишер Навоий ва Оғаҳий шеърлятида одил шох ғояси	193
Озода Тожибоева. “Садди Исқандарий” достонининг халқона вариантлари	199
Нодир Рамазоннов. Фақр концептининг Навоий лирикасидаги баъдий функциясига доир	203
Наима Алиқулова. Навоий ва Маъжзуб Намангоний “Сокийнома”ларининг қиёсий таҳлили	207
Munira Xudoyorova. Alisher Navoiy qit'alarida “faloniy” turkumi	212
Шермуҳаммад Амонов. Навоий ва Табибий: адабий таъсир масаласи	217
Зариф Қувоннов. Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотларида Навоий ижодий методи ва услубининг ўрганилиши	220
Сулаймон Иноятнов. Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг Алишер Навоий ва навоийликларга эҳтироми	225
Ф. Тўхтамуратов. Навоий ва Муҳсиний	228
Раҳима Даминова. Алишер Навоий лирикасида туркона услуб	235
Муштарий Холмуродова. Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий қарашларидаги муштаракликларга доир	238
Shahnoza Rahmonova. Habibiy g'azaliyotida Navoiy an'analari	243
Бобомурод Жўраев. Айнийнинг навоийшунослик фаолияти.	247
Farhod Nizomov. “Saddi Iskandariy”ning badiiyatiga doir ayrim mulohazalar.	249
Моҳира Саъдуллоева. Навоийнинг “Маъжзуб ул-қулуб” асаридаги баъзи қасб эгалари ҳақида мулоҳазалар.....	253

ИККИНЧИ ШЎЪБА: НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ХОРИҶДА ЎРГАНИЛИШИ ВА ТАРҒИБИ

Isa Nəbibbəyli. Əlişir Nəvai - ümumtürk dünyasının qardaşlıq rəmzi	256
Мохсун Нагисойлу. Алишер Навоий и Муҳаммед Физули: вoпpосы преемственности и творческого влияния	258
Ҳамидулла Болтабоев. Алишер Навоий асарларининг Озарбойжонда сақланаётган қўлёзма нусхалари	262
Муҳаммаджон Холбеков, Ёркиной Насриддинова. Навоий адабий мероси Реми Дор талқинида	266
Ульви Алмаз. О гении великого узбекского поэта Алишера Навои	269
Pəri Benedek. The influence of Navāyī and Lutfī on the ghazal poetry of the mughal noble, Bayram Khān	276
Кароматулло Олимов. О рукописях произведения Алишера Навои «Маъжзуб-ул-қулуб», хранящихся в Центре рукописей Академии наук Республики Таджикистан	282
Akhlaque Ahmad 'Ahan'. Amir Alisher Nawai and his Indian contemporaries	287
Афтондил Эркинов. Канадалиқ олим Э.Бирнбаум – Алишер Навоий қўлёзмалари тадқиқотчиси	291
Азамат Акбаров. Алишер Навоий ва Вильям Шекспир асарларида нутқий муштараклик хусусида	295
Bəşirli Xatirə. Əlişir Nəvainin XVI əsr Azərbaycan divan şeirinə təsiri	299
Atiye Nazli. Masal ve halk hikāyesi kahramani: Ali Şir Nevayî	303
Абдусалом Абдуқодиров. Навоий ва Жомий ижодида тавҳид талқини	308
Сакит Гусейнов. Социально-философские взгляды Алишера Навои	314
	319

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИДАГИ АЙРИМ МУШТАРАКЛИКЛАРГА ДОИР

Муштарий Холмурадова,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
докторанти
(Ўзбекистон)

E-mail: mushtariy-uzmi@mail.ru

Аннотация: Аннотация: Мақолада Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий ижодидаги муштарак қарашлар ҳақида сўз боради. Буюк мутафаккирлар ижодидаги уйғунлик сўз, кўнгил тушунчаларига оид муносабат, антропонимлар мисолида ёритилган.

Калит сўзлар: мумтоз адабиёт, сўз, кўнгил, нутқ, антропоним, бадиий тасвир

Ўзбек мумтоз адабиётининг мумтоз манбаларида муштарак фикрлар, умумий қарашлар, ўхшаш талқинлар кўп. Бу ҳолат мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий муносабатлар, мутафаккирларнинг эзгу мақсадлари, воқеликни идрок қилиш имкониятлари, қобилиятлари билан белгиланади. Икки буюк иждоқор Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий асарларида ифодаланган фикрлар, ғояларнинг бир-бирига ўхшашлиги, қарашларнинг мутаносиблигини кузатишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг олам манзараси, сўз, сўзлаш маданияти, сўзлаш одоби, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қарашлари Юсуф Хос Ҳожибнинг шу масаладаги фикрлари билан ҳамоҳангдир. Сўз маъноси, унинг услубий нозикликларини англаш, бадиий тасвирдаги ўрнини кўрсатиш масаласида ҳам ҳар икки мутафаккир қарашлари ўзаро мос келади. Масалан, “Қутадғу билиг”да билим, кўнгил хусусида қуйидаги фикрлар келтирилган: *Kişi көңli tüpsüz tñiz tæg turur, bilig yinçü bolsun keräk say taşı* [8.212]. “Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир, Билим инжу каби (унинг) тубида ётади” (6.208). Бу байтда инсон кўнгли тубсиз денгизга қиёс қилинади. Билим эса ана шу денгиз тубидаги инжуга ўхшатилади. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул -луғатайн” асарида сўз ва кўнгил борасида шу фикрларга яқин тасвирларни учратамиз: “... сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жоми маонийи жузв ва кулдурур (яъниким “ ... сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир жой бўлиб, унда майда ва йирик маънолар тўплангандир”)” [4.3.]

Алишер Навоий сўз ва кўнгил борасидаги образли ифодани янада тақомиллаштириб, ғаввосни дурнинг ноёб хусусиятини намойиш қилувчи образларни дур кийматини зохир этувчи восита сифатида тавсифлай-

ди: *Андоқси, дарёдин гавҳар гаввос воситаси билан чикарилади, унинг киймати эса таъшига караб маълум бўлади*). Нутк сўзловчини сўз дуррини нуткда олиб кирувчи ва унинг қўлланиш даражаси, кийматини намоён этувчи омили сифатида таърифлайди: *Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига сарфоби ихтисос василаси била гузориши ва оройиши кўргузур ва анинг киймати ҳам мартабаси нисбатига боқа иштишор ва иштиҳор топар* ("Сўз дурри ҳам кўнгилдан сўзга чечан киши воситасида нутк шарафига ташаббушлади, унинг киймати ҳам ўзининг даражасига караб шухрат қозонади ва ҳамма ёкка ёйилади") – [4.3.]. Кўнгилнинг денгизга ўхшатилишига "келглик", "бепоёнлик" семалари асос бўлган. "Ноёблик", "кимматбахоналик" семалари сўзнинг дурга ўхшатилишини таъминлаган. Гаввоснинг дурри топиши ва кийматини зохир этиши нотикнинг сўз маънолари жиловини намоён этишига ўхшатирилган.

Юсуф Хос Ҳожиб *қоу* ҳамда *қоуқи* бирликлари орқали "бошқариувчи" ва "бошқарувчи" семаларини ифода этади. *Қоуқи* тимсолида ҳукмдорни раиятни адолатли бошқаришга, унга ғамхўр, меҳрибон бўлишга ундайди: *Видин қоу сан ол бегі қоуқиси, ағирсақ керāk қоуқа кўтқиси* [8.1412¹]. "Халк бир қўй каби, бег эса қўйчивондир, Қўй учун қўй боқувчи меҳрибон (жонқуяр) бўлиши керак" [7.1399]. Алишер Навоийнинг *Раият галаи-и сен шубон, Раият мусмир-у, сен-боғбон, Бўрини доғи галадин дур қил, Сув берибон боғни маъмур қил*, деган машҳур байтлари ҳам худди шу мазмундадир. Қўй лексемасидаги "ожизлик", "ювошлик" семалари ун раият (оломон) тимсолида тасвирлашга асос бўлган. Умуман, ҳукмдор адолати борасида ҳар икки ижодкор яқдил фикрни ифода этганлар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ва Алишер Навоийнинг "Тарихи мулки аҷам" асарларининг мазмун-моҳияти умумийдир. Ёши ёдгорликлар адолатли ҳукмдорлар тавсифига бағишланган. Ҳар икки асарда келтирилган антропонимларнинг маълум қисми ўхшаш, уларга доир маълумотлар бир-бирини тўлдиради. Қайд этилган асарлардаги ўхшашлик, аввало, *ушбу* асарлардаги пайғамбарлар номида кузатилади.

Муҳаммад с.а.в. – ислом дини пайғамбари. "Қутадғу билиг" да Муҳаммад (с.а.в) халойикнинг кўз-қошига қиёс қилинган: *Muhammad yalawaç xalayıq başi, Qanığ barçalarga ol ol köz qaşı* – "Муҳаммад пайғамбар – халойик боши, Ҳамма (ва) барчага у кўз-қошдир" [7.55]. Байтда Муҳаммад "пайғамбар" маъносидаги туркий *ялаваç* изоҳловчиси билан сифатланиб келган. *Кöz қаş* "йўлбошловчи", "йўл кўрсатувчи" маъносида қўлланган.

Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида қуйидаги маълумот келтирилади: Бир овуч туфроқ ер юзидин олиб, ҳақ таолонинг амри билан

¹ Адабиёт тартибини билдирувчи сондан кейинги тўрт рақамлар байт тартибини билдиради.